Ушбу сонда:
2 «БУХОРОТЕКС»ДА аёллар катта куч
3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 БАРЧАГА ЁҚҚАН СУВ СПОРТИ САРОЙИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 25 феврал, жума № 33 (1874)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МИЛЛИОНЛАРНИ ТЕЖАЙДИ

***Жўраполвон номли ширкат хўжалигида жойлашган биолаборатория ғўза парвариши даврида зараркунандаларга қарши курашда деҳқонларга қўл келмоқда.***

Лаборатория шароитида парвариш қилинган фойдали ҳашаротлар ёрдами туфайли хўжалик пахтакорлари ўтган йили 22 миллион сўмни иқтисод қилдилар. Давлатга юқори навли пахта топширилди.

Лабораторияда туну-кун иш олиб боряпмиз,- деди лаборатория мудири Абдужалил Садиралиев. — Ҳозирги кунда мактабни туғаллаган 25 нафар қизни ўқитяпмиз. Улар ғўза парвариши даврида пахта далаларига фойдали ҳашаротларни тарқатишда кўмаклашадилар.

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 24 феврал куни Оқсаройда Белгия Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Даниэл дел Мармоль хоним ишонч ёрлиғини топширди.**

Ислом Каримов Ўзбекистон-Белгия муносабатлари ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланиши муносабати билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Европада ва дунёда катта нуфузга эга, пойтахтида НАТО қароргоҳи, Европа Иттифоқининг таркибий тузилмалари жойлашган Белгия Ўзбекистонга Марказий Осиёда муҳим ўрин тутувчи давлат сифатида қарайди. Ўзбекистон ҳам Белгия билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор.

Учрашувда икки томонлама муносабатлар ҳамда Ўзбекистоннинг НАТО ва Европа Иттифоқи билан ҳамкорлигига доир масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Белгия элчиси самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

* * *

**Шу куни Президент Ислом Каримов Грузиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Давид Залкалианидан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.**

Ўзбекистон билан Грузия тарихан бирбирига дўст давлатлар саналади. Мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик қарор топган. Истиқлолга эришгандан кейин иккала давлат ўзаро муносабатларни янгича асосда ривожлантириб келмоқда.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Грузия билан муносабатларни қадрлашини таъкидлади, элчининг мамлакатимиздаги фаолиятига муваффақият тилади.

Д.Залкалиани Ўзбекистон билан Грузия алоқаларини ривожлантиришга, умумий манфаатларимизга хизмат қиладиган хайрли ишларни бажариш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

* * *

**Президент Ислом Каримовга Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Меҳмет Кемал Ася ҳам ишонч ёрлиғини топширди.**

Ўзбекистон-Туркия муносабатлари савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда жадал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида, қурилиш соҳасида Туркия ишбилармонлари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Халқаро ҳамкорлик, жумладан, террорчилик ва экстремизмга қарши кураш каби муаммоларга қарашларнинг муштараклиги ҳам мамлакатларимизни яқинлаштиради.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлиги келгусида барча йўналишларда янада ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

Туркия элчиси самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистондаги фаолияти давомида ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга, хусусан, савдо-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор беришини таъкидлади.

**(ЎзА)**



Самарқанддаги «Sino» очиқ турдаги акционерлик жамияти конвееридан биринчи совутгич чиққанига 31 йил бўлди.

2000 йил Халқаро экология фонди ва БМТнинг Ривожланиш дастури гранти асосида бу ерга Италиянинг «Cannon» компанияси ускуналари келтирилиб, ўрнатилди. Ишлар юришгандек бўлди-ю, лекин 2002 йилда ишлари қайта кўриб чиқиладиган корхоналар қаторига кириб қолди.

Шундан сўнг корхона раҳбарияти қайта жиҳозлаш режасини ишлаб чиқиб, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини бирлаштирди. Қисқа давр мобайнида 17 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

***Суратда: корхонада иш қизғин.***

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат**

*2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили*

## ТАШАББУС ҚАНОТ ЁЙСИН

***«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси маъмурияти меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини муҳофазалаш ва соғломлаштириш ташаббуси билан чиқди.***

Пойтахтимиздаги марказий поликлиника, Самарқанд, Қўқон, Қарши, Урганч, Хўжайли бекатларидаги шифо масканларининг ходимлари бир нечта меҳрибонлик уйларига ташриф буюриб, болалар соғлиғини тиббий кўрикдан ўтказишди. Шундан сўнг стационар шароитида тизимдаги соғлиқни сақлаш муассасалари ва пойтахтдаги болалар касалхонасида 160 нафар бола соғломлаштирилди.

– Бу ишларимиздан муддао бағрикенглик, раҳм-шафқат ва инсонийлик аталмиш ажойиб нарсанинг илдизларини мустаҳкамлаш ҳамда ота-она меҳрига зор болажонларимиз саломатлигини мустаҳкамлашдир, - дейди шифохона бош врачи Ахбор Алимов. – Шаҳримиздаги 5 та меҳрибонлик уйи болалари саломатлигини назорат қилиб бориш, аниқланган касалликларни даволаш ва соғломлаштириш муолажаларини ўтказяпмиз. Касалликни юзага келтирувчи омилларнинг олдини олиш, яъни профилактик йўналишда ҳам иш олиб боряпмиз. Ҳозирда шифохонамизнинг гастроэнтерология, пульмонология ва нефрология бўлимларида бемор болалар даволанмоқда.

– Меҳрибонлик уйлари болалари келишини эшитиб, ходимларимиз тараддудга тушиб қолишди. Уларнинг тезроқ келишини интиқлик билан кутишди, - дея суҳбатни давом эттирди бош врач ўринбосари Гулноза Абдураҳмонова. – Касалхонамизга келаётган болаларни кўриб, меҳримиз янада жўшди. Беғубор оламда яшаётган гўдакларнинг кўзларида меҳрга ташналик яққол сезилиб турарди.

Шифокор ҳузурига кириб келган истараси иссиқ қизалоқ ўзини Зулайҳо деб таништирди. Унинг маъноли гаплари, эртанги кунга тийрак нигоҳ билан боқиши иродали қиз эканлигини кўрсатиб турарди.

– Менга ҳам, ўртоқларимга ҳам шифохона жуда ёқди. Опаларим – ҳамширалар, шифокорлар ҳаммаси бизни эркалатишади, нима истасак, ҳаммасини бажаришади. Катта бўлсам, албатта шифокор бўламан. Оқ халат кийиб, кичик-кичик болаларни даволайман, - дейди ҳаяжон билан у.

Зулайҳо биз билан хайрлашиб чиқиб кетди-ю, аммо унинг қўнғироқдек овози хотирамга муҳрланиб қолди. Гарчи меҳр-оқибат қуршовида эсалар-да, доимо ота-она меҳрига талпинишини, ўз меҳрибони бағрида эркаланишини орзиқиб кутишини ҳис қилдим. Хаёлимдан кечган фикрни уққан Гулноза опа шифохонада меҳнат қилаётган ходимларнинг аксарияти болалар психологи эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди. Зеро, болани жисмонан даволаш қаторида унинг руҳий дунёқарашини ҳам ўрганиш лозим. Бу муҳим ва ўта масъулиятли вазифа биргина тиббиёт ходимининг эмас, балки барчанинг вазифасидир.

Мустақил юртимизда кўнгли ўксик инсонларни тақдирнинг измига ташлаб қўймай, улар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида барча имконият ва қулайликлардан баҳраманд бўлишига эришиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Юқорида биз қаламга олган меҳр-оқибатли инсонлар ишлаб турган жамоа ҳам ана шу хайрли ишга катта ҳисса қўшяпти. Қалбидарё халқ фарзандларининг меҳри сойлар каби пок ва зилол бўлади. У оқиб ўтган йўлларда гуллар унади. Шундай экан, муҳтож қалблар ҳеч қачон меҳрга зориқиш сезмайди.

**Фарида СУЛАЙМОНОВА**



Олтиариқ пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ўтган йили тумандаги 15 та ширкат ҳамда 111 та фермер хўжаликларидан 20 минг 528 тонна пахта қабул қилиб олди. Бу ерда шу кунга қадар 2500 тоннадан ортиқ экспортбоп тола олинди.

Тайёрланган тола Швейцария, Англия, Жанубий Корея каби давлатларга экспорт қилинмоқда. Ҳозирги кунда эса баҳорда экиш учун 25 минг 700 тонна уруғлик чигит тайёрлаб қўйилди.

***Суратда: лаборант Лола Ғаппорова.***

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

*Навоий вилояти касаба уюшмалари конференциясидан*

***Ҳаёт шиддат билан илгариламоқда. Демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Замон ишлаганники, интилганники, изланганники. Хўш, бундай даврда инсонга наф келтириш олий бахт шиори бўлган республика касаба уюшмаларининг бир бўғини бўлган Навоий вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бугунги кун талаблари даражасида иш олиб бораяптими? Меҳнаткашлар иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда қандай сифат ўзгаришлари кўзга ташланди. Аввалги конференцияда билдирилган таклиф-мулоҳазалар, танқидий фикрлар битим, жамоа шартномаларида ўз ифодасини топдими?!***

## ОДАМЛАР МЕҲРИНИ ҚОЗОНИШ

### ҲАММАГА НАСИБ ЭТАВЕРМАЙДИ

Конференция арафасида бошланғич ташкилотлар, туман, шаҳар, вилоят тармоқ касаба уюшмаларида ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, аъзоларимизнинг дунёқарашида ижобий ўзгаришлари содир бўлганини, улар ўз жамоалари олдига аниқ вазифалар қўйиб, бажарилишини талаб этаётганликларини аниқ-равшан кўрсатмоқда, - дейилади вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Нурмурод Хўжақуловнинг ҳисобот маърузасида. - Ўтган беш йил давомида вилоятимизда саноат ишлаб чиқариш ҳажми ошди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режалари ошиғи билан бажарилди. Давлатга ғалла, пилла, пахта сотиш режалари уддаланди. Вилоятда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини бажариш юзасидан 15700 ўринга мўлжалланган 26 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар, 143 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди, 4000 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан 2003 йилдан бери ўтказиб келинаётган «Мактаблар куни» вилоятдаги барча илм масканларида таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини жонлантириш, уларни ичимлик суви, газ, алоқа воситалари, компьютерлар, ўқув дарсликлари билан таъминлаш имконини бермоқда.

Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўртасида вилоят аҳолисини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш юзасидан ҳудудий келишув, барча соҳаларда иш берувчилар ва касаба уюшмалар ўртасида жами 913 та жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар асосида 200 мингга яқин меҳнаткашлар ҳимояси қамраб олинган. Ҳудудий келишувга киритилган шартларни бажариш учун ҳар бир ишчи-хизматчи ходимга сарфланган маблағ миқдори 2000 йилда 203.805 сўмни ташкил этган бўлса, 2004 йил якунига келиб 908.783 сўмга етди.

Айниқса «Қизилқумцемент» ОАЖ, Навоий дон маҳсулотлари комбинати, Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлими, Зарафшон автомобил йўллар бошқармаси, Қодир Раҳимов номли ширкат хўжалиги, «Шамс - Навоий», «Навоийтелеком» каби кўплаб жамоаларда иш берувчилар ва касаба уюшма қўмиталари томонидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина «Меҳр ва мурувват йили»да жамоа шартномалари орқали корхоналарнинг қўшимча даромади ҳисобидан кам таъминланган 1840 оила фарзандларига 11 миллион 93 минг сўмлик дарсликлар, мактаб формалари бепул берилган бўлса, кўп болали 1078 оилага 15 миллион 997 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 1040 нафар кўп болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти бир соатга қисқартирилиши масаласи жамоа шартномасига киритилиб ҳал этилди.

**(Давоми 3-бетда)**

## ҒОЛИБ ДЕБ ТОПИЛДИ

Республика ташхис маркази томонидан ўтказилган «Энг яхши касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис хизмати» кўрик-танловига якун чиқарилди. Таълимнинг шу йўналиши бўйича бой тажриба орттирган педагогик жамоалар бу беллашувнинг ғолиблари деб топилди. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 92-мактаб томонидан тақдим этилган альбом, буклет ва видеокассеталар танлов комиссиясининг таҳсинига сазовор бўлди. Шу сабабли бу билим ўчоғи жамоаси танловнинг биринчи даражали совриндори деб топилди.

Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 4-мактабга иккинчи даражали ҳамда Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 11-мактабга эса учинчи даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

## ҚАТЪИЯТ

***...У ҳам тенгдошлари қатори орзулар қанотида яшарди. Лекин ўрта мактабни битирган Мусо турмуш ташвишлари тақозоси билан ўқишга боролмади. Ҳайдовчи бўлиб, машина бошқарди.***

Ойлар, фасллар алмашаверди. Лекин ҳали унинг қалбидаги орзулар чўғи сўнмаган, умидлари уйғоқ эди. Падари бузруквори Муҳаммад ота ҳам ҳадеганда ўқишга даъват қиларди. Шундай қилиб у катта шаҳарга отланди, талаба бўлди.

Самарқанд давлат университетининг чет тиллар факультетида таҳсил олган М. Йўлдошев шу даргоҳда иш бошлади. Илм деганлари чексизлик сари чўзилган, муттасил кенгайиб борадиган йўлга ўхшайди. Одимлаган сайин янги-янги қирралари очилиб, ўзига мафтун қилаверади. Мусо ака ҳам ана шу уммонга шўнғиб кетди. Бир донишманд айтганидек, у қанча кўп билим олса, билимга шунча ташналик пайдо бўлаверди. Шу эҳтиёж боис у 1970-1973 йилларда Львов университетининг классик филология кафедрасида лотин тили бўйича қайта тайёрлаш курсларида ўқиди, малака оширди. У ердан қайтгач, бироз ўтиб, ҳуқуқшунослик факультетида таҳсил олди. Ҳар ким ҳам ўз имкониятларини рўёбга чиқара олмайди. Мусо Йўлдошев эса билимларини бойитиш мақсадида таҳсил олиш билан бирга ўқитувчилик фаолиятини ҳам, илмий тадқиқотларни ҳам қўшиб олиб борди. Зеро, ҳуқуқшунослик факультети талабаларига лотин тили ва «Рим фуқаролик ҳуқуқи» фанидан сабоқ бериш осон эмас эди.

Айни қирқ ёшида у ўзи кўзлаган манзил сари яна бир зина юқорилади. Москвада Россия Фанлар академиясининг тилшунослик илмий-тадқиқот институтида «Изҳорли гап синонимлари» мавзусидаги илмий ишини ёқлади. Ҳамкасблару дўстларнинг табрикларини тингандан кейин, ёлғиз қолганда, Мусо Йўлдошев хотираларга берилган бўлса ажаб эмас. Самарқанд воҳасининг ўша вақтдаги дашт ҳудудида жойлашган Митан қишлоғида вояга етган, ўзининг машаққатли меҳнати эвазига камолот пиллапояларидан дадил одимлаган ўзбек йигити учун азим шаҳарда, дунё эътироф этган олимлар даврасида бундай натижага эришиш катта муваффақият, тақдирнинг инъоми эди, албатта. Мусо ака тиниб-тинчимайдиган одамлар хилидан. У 100 дан зиёд илмий-оммабоп, олтмишдан зиёд илмий мақолалар, иккита дарслик, еттита қўлланма ёзди. Бу дарслик ва қўлланмалар таълим тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури доирасида олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжаллаб яратилди.

Унинг изланувчанлик, меҳнатсеварлик фазилатлари қаторида тўғрисўзлиги, инсонпарварлиги жамоанинг назаридан четда қолмади. М. Йўлдошев шундай қилиб, университет касаба уюшма қўмитаси раисининг ўринбосарлигига сайланди. Бу гапга йигирма йил бўлибди.

- Жамоат ишига ўрганишим осон бўлмади. Касаба уюшмаларининг ишини ўша вақтда яхши билмас эканман, - деб эслайди домла. - Серқирра фаолиятимизнинг завқли томонлари ҳам, машаққатли дамлари ҳам кўп эди. Муҳаммадризо Ҳусаинов деган ажойиб раисимиз бўларди. Одамлар билан муносабатда бўлиш маданиятини, раҳбарлар ҳузурида муаммоларни ҳал қилиш санъатини ўша кишидан ўрганганман, десам хато бўлмайди.

Кейинроқ унинг ўзи касабақўм раислигига сайланди. Юртлар оша кезган одамнинг дунёқараши, фикрлаш тарзи барибир бошқача бўлади. Раислик фаолиятининг аввалидаёқ Мусо Йўлдошев каттагина янгилик киритди. Жамоа шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқди ва қабул қилинишига эришди.

- Қарийб йигирма йилдан бери Мусо Йўлдошев билан ёнма-ён ишлаб келаяпман. У кишининг янгиликка интилувчанлигига, жонкуярлигига тан бериш керак, - дея суҳбатни давом эттирди таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Самарқанд вилоят қўмитаси бўлим мудири Лочин Қўзиев. - Касаба уюшмаларининг мавқеини кўтариш, амалга оширилган ишларни кенг жамоатчиликка маълум қилиш учун унинг ташаббуси билан мамлакат олий ўқув юртлари касаба уюшма қўмиталари вакиллари иштирокида анжуман ўтказилганини ҳамма яхши эслайди. Бу тадбир ўзимиздаги бошқа институтлар касабақўмлари ишини сифат жиҳатдан яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди. Мусо ака ҳамиша адолат тарафдори бўлган. Бир йили университетнинг янги раҳбарияти билан ўқитувчи ходимлар ўртасида тузилган меҳнат шартномасига ўзгартириш киритилган, айримлар билан меҳнат шартномасини бекор қилган экан. Ҳолбуки, ўқув муассасаларида бундай тадбир фақат ўқув йиллари оралиғида амалга оширилиши мумкин. Касаба уюшма қўмитасининг, хусусан М. Йўлдошевнинг қатъияти натижасида 25 нафар ходим ўз ишига тикланди.

Касаба уюшма қўмитасининг раиси лавозимида 15 йил узлуксиз ишлаган Мусо Йўлдошев билан турли масалалар хусусида суҳбатлашар, баҳслашар эканмиз, баъзи муҳим фикрлар эътиборга лойиқ эди. Ҳозирги вақтда айрим касабақўмлар фаолиятида таъсирчанликни ошириш муаммоси бор. Бу муаммонинг илдизи етакчининг, касабақўмнинг иш услубига, салоҳиятига бориб тақалади. Фаолиятнинг барча йўналишларида мукаммал тузилган жамоа шартномасига асосланиш, аниқ ишларни амалга ошириш керак. Бу борада Мусо Йўлдошев иш тажрибасини ўрганишга ва қўлланишга арзигулик жиҳатлари бор. Унинг фикрича, касабақўм етакчиси моддий ва маънавий жиҳатдан мустақил, билим жиҳатдан бошқалардан устунроқ бўлиши ва энг муҳими, ўз нуқтаи назарини, фикрини ҳимоя қила олиши керак. Ана шундагина бошқаларнинг ҳам манфаатини ҳимоя қила олиши ва касабақўм таъсирчанлигини ошириши мумкин.

**Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири**

*Бугуннинг одамлари*

## ПАХТАКОРДА КУРАШ БАЙРАМИ

Пахтакор шаҳридаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи спорт мажмуида кураш бўйича анъанавий вилоят турнири бўлиб ўтди.

1988-1990 ҳамда 1989-1991 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида кечган беллашувда пахтакорлик Миржалол Тўхтаев, Холмурод Очилов, Асқар Усмонов, жиззахлик Раҳматулла Умурқулов, Дўстлик тумани вакиллари Шерали Авалбоев, Жалил Мансуров, Орзумурод Карвонов ўз вазн тоифасида ғолиб чиқди.

*Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги*

# «БУХОРОТЕКС»ДА

## аёллар катта куч

***Жамоа шартномаси ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, иш берувчи ва ходимларнинг ўзаро келишуви асосида ҳар икки томоннинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни бошқариб туради. Шу боис унинг ҳар бир банди ижроси доимий назоратга олинган.***

Айни пайтда йилига 21 минг тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаб 78 миллион пагонометр маҳсулот тайёрлаётган 10 минг кишилик жамоамизда ходимлар учун ҳамма қулайликлар яратилган.

Мулк шаклининг ўзгарганлиги ходимларнинг меҳнатга муносабатини кучайтириб, ўз корхонаси ютуқларига дахлдорлик ҳиссини оширди. Тайёр маҳсулотнинг бир қисми экспортга жўнатилаётганлиги вилоятда валюта тушумини кўпайишига олиб келди.

Ҳиссадорлик жамиятининг иккита ип-йигирув-тўқув, бўяш, пардозлаш фабрикалари, Вобкентдаги тўқув корхонаси, механика заводи, автотранспорт хўжалиги сингари бўлинмалари ишлаб турибди. Бу ерда бир йилда 21 минг тонна калава-ип, 78 миллион пагонометр хомашё, 109 миллион квадрат метр тайёр газлама ишлаб чиқарилаяпти. Йил давомида 500 миллион сўмдан зиёд соф фойда олинаяпти. Маҳсулотлар Италия, Польша, Россия, Арманистон, Озарбайжон каби хорижий мамлакатларга жўнатилиб, йиллик валюта тушуми 10 миллион АҚШ долларидан ошмоқда.

Корхонада асосий эътибор ходимларни моддий манфаатдорлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Янги иқтисодий шароит тақозоси билан қабул қилинган жамоа шартномасига элликдан ортиқ қўшимча бандлар киритилди. Юздан ортиқ цехларда ишлаётган ва ёрдамчи бўлинмаларда хизмат вазифасини ўтаётган кишиларнинг манфаатлари ўз ифодасини топган. Ўтган 4 йил давомида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига 2593,3 миллион сўм ажратилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Жамоа аъзоларининг 70 фоизи хотин-қизлардан иборат. Ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш ва касалхона, санаторий-профилакторийларда даволаш учун катта маблағ ажратилди. Бирлашма ичкарисида кичик тиббий санитария қисмлари ташкил этилган. Уларда ишлаётган 11 нафар даволовчи ҳаким ва 24 нафар тиббиёт ходими одамлар соғлиғи учун ҳамиша хизматга шай.

Тажрибали шифокор Шариф Набиев раҳбарлик қилаётган санаторий-профилакторий ҳақиқий даволаш масканига айлантирилган. Бу ерда 30 нафардан ортиқ меҳнат фахрийси бепул даволаниб чиқди.

Энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 60 ўринли шифо масканида ҳар йили 840-850 нафар киши ўз соғлиғини тиклайди. Йўлланмаларнинг бир қисми маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

Шифохонада асосан физиотерапевтик муолажаларга жиддий эътибор берилади. Доривор гиёҳлардан тайёрланадиган дамлама ичимликлар ошқозон-ичак, юрак-қон томир касалликлари, ўпка, жигар, ўт пуфаги, буйрак тоши касалликларини даволашда қўл келаяпти. Сеҳрли бармоқлар соҳиби Пўлат Узоқов даволанувчиларнинг турли хасталиклардан фориғ бўлишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Соғломлаштириш масканида даволаш жисмоний тарбияси, сув муолажалари йўлга қўйилган. Циркуляр душ, минерал ванналар, сауна ишчи-хизматчилар ихтиёрида. Тажрибали ошпазлар Бахтиёр Асадов, Баҳодир ва Зокир Ҳасановлар мазали таомлар тайёрлаш, Мавжуда Сафарова, Адолат Жўраева, Фотима Раҳматова каби орастабонлар хоналарнинг тоза ва озода бўлиши учун жон куйдиришади.

Фабрика ишчиларидан Асад Каримов, Манзура Турдиева, Гулнора Очилова, Зариф Ҳакимов, Муҳаррам Раҳмонова, Моҳира Чўлиева каби ўнлаб даволанувчилар қўли енгил, ширинсухан, бағрикенг, олиҳиммат шифокорлардан умрбод миннатдор эканликларини изҳор этишди.

Кенг ва озода, ишлаб чиқариш санитария-гигиенаси талаблари асосида ёритилган цехларда минглаб йигит-қизлар меҳнат қилишади. Қарийб чорак асрдан бери ўз тақдирини корхона фаолияти билан боғлаган иккинчи йигирув-тикув фабрикаси тўқувчиси, «Шуҳрат» медали совриндори Гулсара Ражабова ана шундай фидоийлардан бири. У 22 нафар шогирд тайёрлаб, уларга касб сирларини ўргатди. «СТБ-180» русумли тўқув дастгоҳини бошқариб келаётган Г. Ражабова касаба уюшмаси ишларига ҳам яқиндан кўмаклашмоқда.

Йигирувчи Матлуба Баратова иккинчи фабриканинг ишлаб чиқариш илғорларидан. У бултур 3443 тонна ўрнига 4646 тонна ип-калава ишлаб чиқарди. Унинг ҳамкасблари Норгул Авазова, Моҳира Ғаниевалар ҳам меҳнатда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Уста ёрдамчилари Мустафо Отамуродов, Ҳамид Эргашев, Нуритдин Қурбоновлар эса ўз ишларини яхши билишади. Белгиланган режаларини ошириб адо этиб келаётганлиги туфайли Норгул Ярмуҳамедова, Лутфинисо Сафарова, Ихтиёр Бадалов, Нина Патракова каби илғорларнинг ойлик маоши 50-55 минг сўмга тўғри келмоқда. Ҳиссадорлик жамияти бўйича ўртача иш ҳақи 40-45 минг сўмдир.

Ходимларнинг тоифалари учун устамалар, қўшимча тўлов ва компенсацияларнинг аниқ миқдорлари белгиланган. Масалан, тунги ишнинг ҳар бир соати учун тариф нархининг 75 фоизигача қўшимча ҳақ тўланади.

Ўринларнинг қисқариши туфайли ишдан бўшатилиши лозим бўлган шахс Меҳнат Кодексининг 103-бандига асосан қарилик нафақасига чиқиш арафасида турган, корхонада 25 йилдан ортиқ ишлаган бўлса, икки ва ундан ортиқ 16 ёшгача фарзандли, ёлғиз оналарга қайта ўз ишига қолиши учун имконият яратилади. Ёши ва соғлиғини ҳисобга олиб 18 ёшга тўлмаган ходимларга ва ишлаётган I-II гуруҳ ногиронларига 30 календар куни ҳисобида узайтирилган таътил берилади. Ҳомиладор аёллар енгил юмуш билан таъминланади, камқонли хотин-қизлар санаторий-профилакторийларда ,текин даволанади, дам олиш уйларига юборилади.

Ўтган йиллар давомида 5 мингдан ортиқ касаба уюшма аъзолари ёки акциядорларнинг қарийб ярми санаторий-профилакторийларда соғлиғини тиклаб қайтди. Бунинг учун маъмурият томонидан 17,1 миллион, касаба уюшма ҳисобидан 80,1 миллион сўм маблағ ажратилди. Ишчиларга корхона ҳисобидаги 54 та коттеж типидаги турар-жойлар арзон нархда сотилиб, яшаш шароитлари яхшиланди.

Болаларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш мақсадида оммавий спорт тадбирлари яхши йўлга қўйилган. Касабақўм ҳузурида оғир атлетика, таэквондо, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка тўгараклари фаолият кўрсатаяпти. Шашка тўгараги қатнашчиси 6 ёшли Гули Алиева тенгкўрлари ўртасида республика чемпиони бўлди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари томонидан Наманган шаҳрида ўтказилган республика чемпионатида 10 ёшли шашкачи Ойбек Ибодов биринчи ўринни эгаллаб, компьютер билан мукофотланди. Корхона ишчиси Ирода Раҳимова ёшлар ўртасида таэквондо бўйича Италияда бўлиб ўтган турнирда ғолибликни қўлга киритди.

Маданий-маърифий ишларга жиддий аҳамият берилаяпти. 10 минг китоб жамғармасига эга бўлган кутубхонадан мингдан ортиқ ихлосмандлар фойдаланишмоқда. Нурхона янги ижтимоий-бадиий адабиётлар билан бойитиб борилаяпти.

**А. ИСМОИЛОВ,**
**«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти бошқарув кенгаши раиси**





Чеварлик ўзбек қизларига хос хусусият ҳисобланади. Ҳар бир ота-она ўз қизларини қўлигул, нозик дидли ва оила ҳаётига тайёр қилиб тарбиялашга интилади. Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйи қошида фаолият кўрсатаётган тикиш-бичиш курси ёшларнинг ҳунарли бўлишларига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бу ерда республикамизнинг турли бурчакларидан келган 50 нафар қиз чеварлик сирларини ўрганмоқда. Уларга маҳоратли мутахассислар сабоқ беришмоқда.

**Суратларда: мураббий Шаҳноза Эгамбердиева талабалар билан; ёш чевар Наргиза Темирова.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

*Тадбиркорлик — давр талаби*

# БАРЧА ХОНАДОНДА СИГИР

***Қибрай туманининг 1211 гектар ер майдонига эгалик қилиб келаётган «Истиқлол» ширкат хўжалиги иш натижалари барчани қувонтирмоқда. Охирги йилларга келиб, барча кўрсаткичлар бўйича оқсаб қолган хўжаликка Абдуқаюм Жуматоев раҳбар бўлгач, ўтган йилнинг ўзидаёқ, аҳвол ўзгарди.***

Мутахассислар хўжалик ишларини, барча кўрсаткичларни бирма бир кўздан кечириб чиққач, ширкат аъзолари ҳамда 215 нафар меҳнат фахрийларини йиғиб, суҳбатлашишди. Уларнинг фойдали маслаҳатларига амал қилинди. Ҳудудда яшайдиган аҳолининг турмуш тарзи яқиндан ўрганилди. Кўп болали оилаларга шартнома асосида ер ажратиб, тўла эркинлик берилди. Хўжаликнинг 161 гектар боғ-роғлари, 15 гектар токзори ўз эгаларига бўлиб берилгач, оилавий пудратчилар эътиборини ишлов беришга қаратишди. Ўз вақтида касалликка қарши кимёвий дорилар пуркалди. Маҳаллий ўғитга тўйинтирилди. Қолган ер майдонларига ғалла, маккажўхори, картошка, сабзавот экинлари экилди. Натижада ўтган йилги ялпи даромад кутилганидан зиёда бўлди. Хўжалик қарзларини тўлаб, соф фойда билан чиқди. Ширкат аъзоларининг ўртача иш ҳақи ҳам нисбатан ўсди.

– Аҳолининг меҳнатга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Чунки яхши даромад олиш уларнинг ўз қўлларида. Кўзланган маҳсулот топширилгач, ҳосилнинг қолган қисми деҳқонникидир. Ёш оилаларни қўллаш мақсадида уларга 6 сотих миқдорида ер ажратиб берилмоқда. Хўжалик аъзолари ўз оила даромадларини янада кўтариш, мақсадида бўрдоқига қорамол, сигиру бузоқ боқишади. Айримлари ўз иссиқхоналарига эга. Хуллас, тер тўкиб меҳнат қилган, иш кўзини билган киши роҳату фароғатда яшамоқда. Барча хонадонларга газ келтирилган, ичимлик суви ва электр қуввати билан таъминланган, – дейди ширкат хўжалиги раиси А.Жуматоев.

Ҳудудда 4 та ўрта мактаб, 2 та болалар боғчаси мавжуд бўлиб, хўжалик уларнинг ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларига яқиндан кўмаклашиб келмоқда. Кам даромадли оилалар эса оталиққа олинган. Мана, баҳор ҳам эшик қоқиб келмоқда. Тракторчи-механизаторлар шу кунларда ўз уловларини таъмирдан чиқариб, экиш мавсумига шай бўлиб турибди.

Механизаторлар билан суҳбатимиз чоғида айрим эҳтиёт қисмларнинг етишмаётганлигини афсус билан гапирдилар. Бу долзарб масала ҳамжиҳатликда ҳал этилса, оддий деҳқондан тортиб, фермерларгача қулай имконият яратиб берилган бўларди.

**Р.ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА СОВҒА

Хазорасп туманидаги Тошсоқа даҳасида замонавий автоматик газ тақсимлаш станцияси (АГТС) ва деярли 11 километр узунликдаги газ қувурлари фойдаланишга топширилиши 10 та чекка қишлоқ ва қишлоқ маҳаллалари аҳолисининг табиий ёқилғига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш имконини берди.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган газ тақсимлаш станцияси суткасига 240 минг кубметр газ магистрал қувурлардан олиниб, маҳаллий тармоққа тақсимланишини таъминлайди. Бу эса олдингидан қарийб икки баравар кўп демакдир ва тез орада қўшни Боғот туманидаги қўриқ қишлоқларни «зангори олов» билан таъминланишини яхшилаш имконини беради.

Янги иншоотлар - энг долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун турли мулк шаклларидаги корхона, ташкилот ва хўжаликлар куч ва маблағларини муваффақиятли бирлаштириш намунасидир.

Бу йил Хоразмда қиш қаттиқ келди, кўпинча хаво ҳарорати 20 даража ва ундан совуқ бўлди. Совуқ қиш газ таъминотидаги камчиликларни очиб берди. Шу боис январь ойининг бошида вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Тошсоқа даҳасида газ тармоқларини замонавийлаштириш ишлари бошланди.

Янги станцияни бир ярим ой ичида, мураккаб об-ҳаво шароитида «Ўзбектрансгаз» республика акционерлик компаниясининг «Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси қурувчи ва мутахассислари бунёд этди. Айни пайтда янги қувурлар ҳам ётқизилди. «Жанубгазқурилиш» ва «Ўзбекгазқурилиш» акционерлик жамиятлари, «Ёшнар» МЧЖ, «Хоразмгаз» табиий газ таъминоти бўйича вилоят ҳудудий корхонаси ишчиларига бошқа меҳнат жамоалари вакиллари, қишлоқ аҳли ёрдам берди.

## ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ

Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» ширкат хўжалигида баҳорги экин-тикин ишларига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Айни пайтда бу ерда 11 та сеялка, 100 та борона, 19 культиватор ҳамда 19 та чопиқ трактори мавсумга шай қилиб қўйилди. Механизаторлар уч маҳал овқат, иссиқ кийим-кечак билан таъминланиб, уларга барча қулайликлар яратиб берилгани муваффақиятлар омили бўлди.

**Суратда: устахона мудири Х.Ҳасанбоев ва механик Б.Рихсибоев.**



## АҲОЛИ ЗИЧ ЯШАЙДИГАН МАСКАНДА

Ғиждувон тумани маркази билан туташ Фиришкент қишлоғи Бухоро вилоятидаги йирик, аҳоли зич яшайдиган қишлоқлардан. Бу ердаги олти мактабда беш минг ўқувчи таълим-тарбия олади.

Фиришкентда замонавий спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Энди тўрт мингга яқин бола бу ерда енгил атлетика, теннис, футбол, волейбол, баскетбол, кураш каби спорт турлари билан шуғулланиш имконига эга бўлди.

**(ЎзА)**

*Истеъмолчи манфаати муқаддас*

# МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ

## сифат кафолати

***Ички ва ташқи бозорга ўз маҳсулотлари билан кириб бораётган юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодиётга қўшаётган хизматлари бекиёс. Улар ҳукуматимиз томонидан яратилган қулайлик, имкониятлардан кенг фойдаланмоқдалар.***

Лекин мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ҳар қандай товар аввало сифатли, истеъмол бозорида бемалол рақобатлашадиган ҳамда импорт ўрнини боса олишини талаб этади. Энг муҳими, давлат стандарти талаблари ва меъёрларига мос бўлмоғи лозим. Ушбу вазифа, айниқса «Ўзстандарт» агентлиги тизимидаги сертификатлаш идораларига катта масъулият юклайди. Боиси, маҳсулот учун бериладиган мувофиқлик сертификати унинг сифатини кафолатловчи ҳужжатдир. Бу борада Қорақалпоғистон синов ва сертификатлаштириш маркази муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, ўтган йилнинг ўн бир ойи даврида марказ томонидан 1654 та мувофиқлик сертификати берилди. Шундан 1077 тасини озиқ-овқат маҳсулотларини ташкил этади. Марказда электротехника ва автотранспорт воситалари синов лабораториялари иш бошлади. Яқинда қурилиш ва гигиеник маҳсулотлар учун синов лабораторияси фойдаланишга топширилди. Республикадаги «Барс трейдинг», «Қиёт» корхоналари ўз маҳсулотлари билан истеъмолчилар эътиборини қозонмоқда.

- Ишлаб чиқариш корхоналари устидан назорат ўтказилиши яхши самара бермоқда, - дейди марказ директори Чингиз Худойберганов. - Чунки бу маҳсулотнинг давлат стандарти талаблари асосида ишлаб чиқаришни таъминлайди. Ушбу мақсадда ўтказилган ва синов жараёнида амалдаги қонун-қоидаларга мос келмаган ҳолатлар ҳам кўзга ташланиб қолди. Жумладан, «Нукус универсал база» корхонаси, «Башня», «Маржон» ҳиссадорлик жамиятлари истеъмолчилар манфаатига зиён етказмоқда. Бундан ташқари, 7730 килограмм туз, 771 килограмм макарон, 1175 килограмм ун, 1260 литр ёғ маҳсулотлари ҳам яроқсиз, деб топилди.

Қорақалпоғистонда 243 минг 891 дона ўлчаш воситалари мавжуд бўлиб, улар давлат қиёсловидан ўтказиб борилаётир. Боиси, ушбу ўлчов воситаларининг тўғри ва аниқ ишлаши истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялайди. Афсуски, энергетика тизимидаги барча корхоналар, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Беруний, Элликқальа, Қораўзак, Шуманай марказий шифохоналари, Нукус шаҳридаги «Орайлиқ бозори» маъмуриятига қарашли ўлчов воситалари фойдаланишга яроқсиз бўлиб чиқди.

Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан эса 781 дона мувофиқлик сертификати тақдим этилди. Ҳозирда вилоятнинг кўпгина корхоналари ўз маҳсулотлари билан нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам шуҳрат қозонмоқда. Бунда, аввало сертификатлаштирилган маҳсулотлар сифати юзасидан марказ томонидан ўтказилаётган назорат муҳим омил бўлмоқда.

Марказ директори Комилжон Атажановнинг таъкидлашича, корхоналарда сифат тизимини жорий этишга эътибор қаратилиб, ҳозирда улар сони 5 тани ташкил этади. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини «Урганч-ёғ» ҳиссадорлик жамияти лабораторияси билан ўзаро солиштирма синовлар ўтказди. Текстил, пойабзал маҳсулотлари синаш лабораторияларининг иш доираси кенгайтирилди. Вилоят божхона бошқармаси, санитария-эпидемиология назорат маркази, ветеринария, карантин хизматлари, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти, солиқ идоралари билан ҳамкорликда тадбиркорлар ўртасида семинарлар ташкил этилгани катта наф бераётир.

Шунга қарамай, ноқонуний даромад кўриш илинжида давлат стандарти меъёрларига амал қилмай, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар ҳануз учраб турибди. Синов жараёнида 16 миллион 655 минг сўмлик ана шундай маҳсулот яроқсизлиги аниқланди. Назорат даврида 3 та мувофиқлик сертификати бекор қилинди. 4 тасининг эса амал қилиш муддати вақтинча тўхтатилди.

**Давур ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ислоҳот инсон учун*

# ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ

## ҳар жиҳатдан фойдали

***Республикамизнинг узоқ жанубий вилоятларидан бўлмиш Сурхондарёда ҳозирги кунда истеъмолчиларни газ, ичимлик суви ҳамда иссиқлик манбаи билан таъминлаш қандай бормоқда? Бу борада Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўйилган талаблар етарли даражада бажарилаяптими?***

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда вилоят аҳолисининг 63 фоизи табиий газдан баҳраманд бўлмоқда. Уларга ўтган йил мобайнида 2,954 миллион сўмлик газ етказиб берилган. Пул тушуми 3,150 миллион сўмни ташкил этган. Корхонанинг дебиторлик қарзи анча камайтирилган. «Термизшаҳаргаз», Денов ва Бойсун туманларида аҳолини газ билан таъминлаш тубдан яхшиланганлиги натижасида пул тушумидаги муаммолар деярли бартараф этилган. Бироқ бу аҳолини газ билан таъминлашда камчилик ва нуқсонлар йўқ, дегани эмас. «Трансгаз» томонидан берилаётган газ босимининг белгиланганидан пастлиги натижасида вилоятдаги 5 фоиз аҳоли пунктларига беминнат ёнилғи деярли етиб бормаётир.

Вилоятда аҳоли хонадонларига газ ҳисоблагичлар ўрнатишда ҳам анчагина ибратли ишлар амалга оширилган. Ўтган йиллар давомида аҳоли хонадонларига 165 минг дона газ ҳисоблаш мосламалари ўрнатилиб, бу борадаги режа 91,8 фоизга бажарилди. Хонадонларга табиий газ етказиб беришда «Термизшаҳаргаз» томонидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Ёз ойларидаёқ белгиланган тадбир асосида қишда газ босими яхши етиб бормаётган Суронова, Жўрабоева кўчаларидаги газ қувурлари юқори кўтарилиб, қайтадан таъмирланди. 5-миттитумандаги «Олимпия захиралари» мактабига газ қувури тортилди. Шу миттитумандаги «Боғишамол», «Алпомиш» маҳаллаларининг айрим қисмларига қишда ҳам газ етиб бориши таъминланди.

Ширкатлар ҳамда почта ходимлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилгани сабабли бу ерда газ тўловлари мунтазам йўлга қўйилмоқда. Жумладан, шаҳарнинг «Шодлик», Жомий номли, «Учқун» маҳаллаларида кунлик тушум ҳар бир назоратчи ҳисобига 145-150 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу ўринда Фая Қодирова, Мастура Ҳамидова сингари назоратчилар ибратини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Вилоятда истеъмолчиларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳудуддаги 194 километрлик сув қувурларининг 55-60 километри ёки 30 фоизи қайта янгилашга муҳтож. Бунинг устига Термиз шаҳрининг асосий қисмини таъминлайдиган Шимолий Менгузар ҳавзаларида сув оқиб келадиган ўзанлардан эмас, 180-280 метр чуқурликдаги қудуқлардан кўтариб тўпланади. Бу ўз навбатида катта ҳажмдаги электр энергияси сарфини талаб қилади. Энергия нархининг ошиши эса ўз навбатида истеъмолчиларга етказилаётган сув тўловлари ошишига олиб келади.

Шаҳарни тоза ичимлик суви билан таъминлашда, муаммоларни бартараф этишда вилоят ҳокимлиги ва ҳомийлар ёрдами катта бўлмоқда. Ўтган йили 2 километр сув қувурлари янгиланди, 18 та ер ости сувини чиқариш насоси олиб берилди. Натижада миттитуманнинг 4-, 5-кичик даҳаларидаги кўп қаватли уйларнинг 4-қаватларига сув чиқарилди. «Гулистон» маҳалласида эса 200 метрлик ер ости қудуғи қазиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Бугунги кунда шаҳардаги 221 та кўп қаватли уйлар, 49 та корхона ва ташкилотларга иситиш батареялари ўрнатилган. Вилоят иссиқлик манбаи бошқармаси режа иқтисод бўлими бошлиғи Шахло Муҳаммадиеванинг айтишича, айни кунларда Термиз шаҳридаги 92 фоиз уйлар иссиқлик манбаи билан таъминланмоқда. Қолган уйларнинг биринчи нуқтасигача иссиқлик етиб бораяпти, холос. Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан иссиқлик таъминоти ҳам олдиндан 30 фоиз тўлов орқали амалга оширилади. Шундай бўлса-да, ширкатлар кўп ҳолларда иссиқлик манбаи учун пул тўлашни асоссиз кечиктириб юбормоқда.

Ҳозирги пайтда қарздорликни кескин камайтириш чоралари кўрилиб, бу борада амалий натижаларга эришилмоқда. Натижада газ, электр энергияси учун олдиндан тўлов амалга оширилди. Ишловчиларнинг иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш йўлга қўйилди.

**А.СОҲИБОВА**

